

# Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 2 июль Чоршанба. № 51 (14443)



Мустақилликнинг унутилмас саналари

1992 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси Ўзбекистон Республикасининг Давлат Гербини тасдиқлади

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

# 1997/98 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига қабул тўғрисида

Замонавий билимлар ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, олий маълумот олишда қобилиятли ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ўқув юртларига абитуриентларнинг сифатли танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1997/98 ўқув йилида 21 мингта давлат грантлари белгиланиб, улар таълим йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртлари бўйича тақсимлансин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур грантларни тақсимлаш ҳар бир ихтисос/Ўзбекистон Республикаси мутахассислари тайёрланадиган ихтисос/бўйича давлат грантларига асосан энг оз қабул қилишни таъминлайдиган тарзда амалга оширилади.

2. Қабулни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

3. Ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, Давлат тест маркази: абитуриентлар қабулини тест синови натижасида тўпланган балларни ҳисобга олган ҳолда рейтинг тизими бўйича ташкил қилсинлар; бир ҳафта мuddатда ўзларига қарашли ўқув юртларида грантларни таълим шакллари ва тил-

лари бўйича тақсимлашни Давлат комиссияси тасдиқлаши учун киритсинлар.

4. 1997/98 ўқув йилида давлат грантига кўра ҳар бир ихтисос бўйича белгиланган қабул миқдорининг 100 фоизига қадар доирада тўлов-контракт асосида қабул квотаси ўрнатилсин. Бунда юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларидан ҳамда мазкур тоифадаги абитуриентлар ўртасида тест синовларининг натижаларидан келиб чиққан ҳолда улар томонидан таълимнинг тўлиқ қиймати тўлиниши кўзда тутилсин.

5. Давлат комиссияси: юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларини ҳисобга олган ҳолда тўлов-контракт асосидаги аниқ ихтисослар ва таълим йўналишлари бўйича қабул қўрсаткичларини кўриб чиқиб, уларга тегишли ўзгаришлар киритсин.

Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш тартиби ва қондалари тўғрисидаги Низомга зарур ўзгаришлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга республика ўқув юртларида таълимнинг тўлов-контракт шакли тўғрисидаги Низомни бир ҳафта мuddатда қайта кўриб чиқиб, тасдиқлансинлар ва матбуот-

да эълон қилсинлар. Низомда контракт шартлари ба- жариллиши учун томонларнинг жавобгарлиги ошири- лиши кўзда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга ҳар йили 1 февралга қадар республика ва минтақаларнинг малакали кадрларга бўлган талаб- эhtiёжларини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар тайёрлаш бўйича тақдирлар киритсинлар.

8. Молия вазирлиги 1997/98 ўқув йилига белги- ланган давлат грантларини ҳисобга олган ҳолда бюджетнинг дастлабки тахминий қўрсаткичларига ўзгаришлар киритсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.Каримов

Тошкент шаҳри, 1997 йил 1 июль

## Ўзбекистон - ТАСИС: самара ва истиқбол

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви тобора жадаллашмоқда, халқро ташкилотлар билан алоқаларимиз кенгайиб бормоқда. Жумладан, Европа Иттифоқининг «ТАСИС» дастури ҳам ма- лакатимизда муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда «ТАСИС» дастурининг рес- публикамиздаги фаолияти ҳақида кенгрок тасаввурга эга бўлиш мақсадида Европа Иттифоқи Комиссиясининг Ўзбекистондаги техникавий ёрдамини мувофиқлаштириш бю- роси директор Бахтиёр САДРИДИНОВга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Бахтиёр ака, аввало «ТАСИС»нинг ўзи ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз?

— «ТАСИС» дастури бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мавжуд қийинчиликларни бартараф этишда МДХ давлатларига техника- вий ёрдам кўрсатиш мақсадида Европа Иттифоқи Комиссияси томонидан ташкил этилган, дейди Б.Садриддинов. — Мазкур дастур 1992 йилдан бунён Ўзбекистонда амалга ошириб келинмоқда. Уша йили мазкур дастур доирасида Ўзбекистон учун 1,78 миллион ЭКЮ миқдорда маблағ ажратилган. 1993 йилга келиб, ажратилган маблағ миқдори 18 миллион ЭКЮга етди. 1994-95 йиллар мо- байнида яна 10-15 миллион ЭКЮ ажратил- ди.

— «ТАСИС» дастури асосида Ўзбекистон- да қандай лоийҳалар амалга оширилмоқда?

— Лоийҳалар анчагина. Хусусан, айни пай- тада қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда Фарона виллоятида фермерларга ёрдам кўрсатиш, ҳўжаликларни замонавий техника билан таъминлаш ва бу техникани ишлатишда мутахассисларнинг билим олиши- га имконият яратиш борисида қўллаб-қув- ватлаш амалга оширилмоқда. Фермерлар Фран- шиянинг Марсел шаҳрида малака ошириб қай- тганти ва албатта, бу ўзининг самарасини бермоқда.

Ўзбекистонда Олий ва ўрта махсус таълим тизимини такомиллаштириш ҳамда замона- вий технология асосида жаҳон андозлари та- лабларига жавоб берадиган малакали мутахас- сислар тайёрлаш борисида ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқилган. «Темпус» деб номланган бу дастур Ўзбекистонда 3 йилдан бунён фаолият кўрсатиб келди. Унга кўра, Ўзбекистондаги Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг тала- ба ва ўқитувчилари хорижий давлатлардаги етакчи ўқув юртларида таълим оладилар, ма- лака оширадилар. Шу билан бир қаторда, Ўзе- бкистондаги университет ва институтларда чет эллик талабалар таҳсил олади, хорижий ўқитувчилар дарс беради.

Банк-молия соҳаси бўйича ҳам ёрдам кўрсатиш лоийҳаси ишлаб чиқилган. Унда Ўзбекистонда банк тизимини такомиллашти- риш борисида аниқ тақдирлар мавжуд бўлиб, мазкур тизим учун энг замонавий техноло- гиялар етказиб бериш, соҳа ходимларининг малакасини оширишда ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган.

Ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаш бориси- да «Марказ» деб номланган лоийҳа ишлаб чиқилган. Ушбу лоийҳа икки йилдан бунён амалда қўллашнинг келмоқда.

Кейинги лоийҳа Самарқанд виллоятининг Булунгур туманида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, катта муваффақият билан амалга оширилмоқда. Лоийҳа шу йил нийҳосига етди. Булунгурда жуда яхши натижаларга эришилди, деб айтиш мумкин.

Яна бир қизиқарли лоийҳамиз бор, у ерни улчаш - кадастр бўйичадир. Унга кўра, энг сунгги технология ёрдамида ўта юқори аниқликда ҳариталар чизилди. Эhtiрофи этиш керакки, «Узгеокадастр» бошқармаси билан ҳамкорликда амалга оширилётган ушбу лоийҳа хилма-хил жуғрофий шароитларга эга бўлган Ўзбекистонга жуда асқотди.

«Вармас» номли лоийҳа атраф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган. Бу лоийҳа бўйича Ўзбекистон табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, қишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳамда солиқни сақлаш вазирликлари, Жаҳон банки билан ҳамкорликда, иш олиб

борилмоқда. «Вармас» Оролбўйидаги аҳолига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва денгиз суви мувозанатини ўрганиш ишларини ҳам ўз ичига олади.

Мўҳим соҳалардан ҳисобланган уй- ҳўжалиги бўйича ҳам алоҳида лоийҳа мав- жуд. Унда биналарни таъмирлаш ва мазкур соҳа учун хориждан зарур бўлган асбоб-ўску- налар келтириш ҳамда малакали мутахассис- лар тайёрлаш каби вазифалар аниқ белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, замонавий технология ёрдамида нефт маҳсулотлари сифатини аниқлаш, уларни сертифицилаш борисида «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорациясига ёрдам кўрсатиш бўйича ҳам мўҳим лоийҳа бор. Унда нефт ва газ маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни замонавий технология билан жиҳозлашни олдимида мақсад қилиб қўйган- миз. Чунки, Ўзбекистон нефтини жаҳон ан- дозаларига жавоб берадиган, рақобатбардор маҳсулотга айлантириш учун замонавий те- холология зарур. Ушбу заруратни Бухорода янги қурилган Қоровулбозор ҳамда Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводлари мисолида кўриш мумкин.

Телекоммуникация соҳаси бўйича Ўзбеки- тонда алоҳида тизимини замонавий телеком- муникацион жиҳозлар билан таъминлаш ва уларни ишлатишда мутахассислар тайёрлаш режалаштирилган. Бу борда Алоҳа вазирли- ги ҳамда пойтахтдаги электротехника алоҳа институти билан ҳамкорликда иш олиб бо- рилипти. Айни пайтада замонавий телеком- муникация маркази ҳам ишлаб турибди.

Айтиб ўтилган лоийҳалар фақат Ўзбеки- тон учун ишлаб чиқилган. Улар икки йилга мўлжалланган бўлиб, умумий баҳоси 28 миллион ЭКЮга тенг.

«Трасека» деб номланган дастур ўрта Осиё ва Европа мамлакатларини ўзаро боғлайдиган автомобил ва темир йўллари оқиш ҳамда ҳаво транспорти қатновини йўлга қўйиш каби масалалардан ташкил топган. Унда Ўзбеки- тон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменис- тон ва Тожикистон ҳамда Озарбайжон, Груз- ия ва Арманистон республикалари қатнаша- ди. Дастурга биноан, 9 йўналиш бўйича йўллар қурилиши режалаштирилган. Дастур амалга оширилди, жанубда Эронга, шарқда Хитойга, ғарбда Европага йўл очилди.

Мамлакатлараро дастур бўйича кейинги йил учун Ўзбекистоннинг ўзига 2 миллион ЭКЮ миқдорда маблағ ажратилган.

Унда Бухоро виллоятида замонавий техно- логия асосида Марказий Осиёда ягона бўлган пахташи хорижга экспорт қилувчи марказ қуриш режалаштирилган.

Европа ҳамжамияти қошида бир неча институтлар бўлиб, у ерда МДХ давлатлари- дан борган мутахассислар малака оширадил- лар.

Венада ҳамда Голландиянинг Маастрихт шаҳрида жойлашган мазкур институтларда мутахассислар энг замонавий қўлланмалар асосида ўқитилди. Айни пайтада Ўзбекистон- дан борган мутахассисларнинг шу институт- ларда таҳсил олиши ва малака оширишига қўмақлашувчи лоийҳа мавжуддир. Мазкур лоийҳани ҳаётга тадбиқ этиш бошланган.

— Келажакдаги режалар ҳақида ҳам гап- риб берсангиз...

— Айни пайтада биз барча вазирликлардан зарур маълумотлар олдик, яъни, «ТАСИС» дастури уларга қайси томондан ёрдам кўрсатиши мумкинлигини ўрганиб чиқдик. Шу кунларда Брюсселда Европа ҳамжамия- ти томонидан ўтказиладиган комиссия йиғилишида ушбу маълумотлар кўриб чиқилиб, зарур топилганлари «ТАСИС» дастурига киритилди. Бундан ташқари, ушбу комиссия йиғилишида келгусида «ТАСИС»нинг Ўзбекистондаги фаолияти, уни янада такомиллаштириш масалалари ҳам кўрилади. Биз ана шу комиссия юборган лоийҳалар асосида иш юритамиз.

Аброр ҚИЛИЧЕВ сўхбатлашди. /У.А/

## Узрлар

Айни кунларда пойтахтдаги қўллаб олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳар қанонидан гавжум. Илм даргоҳидаги бир неча йиллик тахсилни тутатиб, катта ҳаётга йўл олаётган ёшлар, бир олам орзулар билан кириш имтиҳонларига тайёрланаётган йигит-қизлар- нинг ҳам ҳажмони чексиз.

Кўни кеча Тошкент молия-иқтисод колле- жида таҳсини тутатган 200 нафардан зиёд беш мутахассисларнинг тантанали битирув ке- таси бўлиб ўтди. Кечани коллеж директори Ғайрат Қодиров табриқ сўзи билан очди. Шунинг

мики ҳисоб-китоб, иш юритиш ва молия- вий фаолиятни тафтиш (ревизия) қилади. Ҳозирги шароитда малакали аудиторларга талаб катта, чунки турли кичик корхоналар кўпайиб, уларнинг иш фаолиятини доимо назорат қилиб, мувофиқлаштириши мута- хассислар ҳам зарур.

—Аудиторлик имкониятлари кенг, —деб сўхбатга қўшилди Умид АЛИМОВ, —солда қилиб айтганда, аудитор- текшириш ва иш юритиш, шунингдек, ҳисоб илми (бухгалтерия)ни яхшигина эгаллаган малака-

## ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

айтиш керакки, бу йил ўқув даргоҳида солиқ, аудит-ревизор каби соҳалар бўйича илк бор бир гуруҳ мутахассислар ҳаётга йўллана ол- дилар. Солиқ техникуми бир йилдан бунён ол- ди. Ҳозирги таълим тизимида ушбу фаолият кўрсатишда зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш учун кенг имкониятлар яратилган. Жумладан, 2та махсус синф энг замонавий «Ай-Би-Эм» компьютерлари билан жиҳозланган. Талаба- лар ишлаб чиқариш амалиёти машғулотларини бевосита туман солиқ инспекцияси ва банк бўлимлари, шунингдек, турли корхоналарда ўтказиладилар. Коллеж ўқитувчиларининг ўн нафарига Европа мамлакатларида ТАСИС да- стури бўйича малака ошириб қайтилдилар. Кол- лежга келган чет эллик меҳмонлар бу ердаги ўқитиш тизими ва шароитларга ижобий баҳо бердилар. Айни вақтда коллежда минг нафарга яқин ёшлар бухгалтер, банк иши, иқтисодчи ва солиқ тизими бўйича таълим оляпти.

— Коллежда ўтказиладиган турли табири- ларда талабалар касабга уюшмаси ҳам фаол қат- нашади, — дейди уюшма раиси Фотима Исоқова. Агротрансакт мажмуи ходимлари каса- ба уюшмасининг Тошкент шаҳар қўмитаси билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Имкониятлардан келиб чиқиб, муҳтож талабаларга моддий ёрдам ва аълочил- лар учун махсус стипендиялар беришни йўлга қўйганмиз.

Биз коллежни аъло баҳолар билан тутата- ётган бир гуруҳ ёшлар билан мулоқотда бўлдик.

Забунисо ШОМАНСУРОВА, аудитор му- тахассисини бўйича битирувчи:

— Мана, ниҳоят, ушбу илм даргоҳида олган билим- даримизни бевосита амалда қўллаш вақти келди. Олдимида кенг имкониятлар бор. Кўпчилик сабоқдошларимиз ҳозирданок бўлгуси иш ўрин- дарини белгилаб олишган. Баъзи дўстларимиз эса таҳсини олий ўқув юртлари- да яна давом эттириш нийти- дарлар. Бугунги унутилмас ке- чада барча сабоқдошларимизга кенг йўл ва омад тилаймиз. Биз аудиторлик мутахассисли- ги бўйича биринчи битирув- чилар бўлдик.

—Аудиторнинг вазифаси нимадан иборат?

—Аудитор — маълум кор- хона ва ташкилотларда жи-

ли мутахассис ҳисобланади.

Абдурахмон ҚОБИЛОВ, 34- банк иши гуруҳининг сардори:

— Бозор иқтисодиётининг ривожлани- шида банкларнинг аҳамияти катта. Замона- вий банк ходими кенг фикрли, чет тилларда эркин сўзлашадиган, асосийси — компютер- да ишловни пухта билиши лозим. Ҳозир Ўзбекистонда ҳусусий банклар кўпаймоқда. Улар Марказий банк тасаруфий остида ўз фа- олиятларини мустақил белгилайдилар. Агар улар ишлаб чиқаришда бевосита кириб бор- са, шўнчалик тез ривожланади.

Ҳилола ПУЛАТОВА, Гулчехра АКРО- МОВА, банк иши бўлимининг битирувчилари:

—Пулни қадрсизлаштириш — инфляция- ни камайтиришда банклар фаолияти мўҳим ўрин тутди. Бунинг учун пул айланшини кўчатириш, қимматбаҳо қоғозларни кенг тарқатиш лозим. Чет эл банклари билан алоқаларни кенгайтириш керак. Бунинг учун инглиз тилини пухта ўрганиш лозим.

Нигора УСМОНОВА: Битирув оқшомида айтадиган тилакларимиз кўп. Сабоқдошларимиз ҳаётда ўз йўллари- ни топиб, ўз касбларининг етуқ эгалари бўлишсин. Талабалик давримизда биздан бутун билим ва меҳрини амаган азиз устозларимизга барча дўстларимиз номидан миннатдорчилик бил- дирамиз!

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ ёзиб олди.

Сўрабди: битирувчи Зафар Аҳмаджонов;

Ёшларнинг қўнғоқли чексиз.

Сўрабди: М. ОРИПОВ



Ўзбекистон Мудофаага қўмақлашиш жамияти — «Ватанпарвар» Марказий кенгаши раёбатининг мажлиси бўлди. Уни Марказий кенгаш раиси, генерал-майор Д. Шохмардонов бошқарди. Мажлисда 1996/97 ўқув йилининг биринчи босқичида мамлакат қўрсаткич кўчаларига ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш аяқуларни ва таълимнинг иккинчи босқичи вазифалари кўриб чиқилди. Мудофаага қўмақлашиш жамияти ўқув муассасаларида ўқув йилининг биринчи босқичида ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш ишлари муваффақиятли ўтказилгани қайд этилди. Олдинги ўқув йили- га нисбатан тайёрланган ҳарбий-техник мутахассислар сони дуврли бир ярим баравар кўпайди. Ҳозирги ўқув йилида мактабларга армияга қақиривчиларни қабул қилиш бирмунча яхшиланди, кўп- чилик ташкилотларда машғулотлар ўз вақтида бошланиб, белгиланган мuddатда ўтказилди. Айни пайтада бу мўҳим ишдаги жиддий камчиликларга, ҳал этилмаган баъзи муаммоларга эътибор қаратилди, нуқсонларни тутатиш, ишларни яхшилаш юзасидан аниқ тақдирлар баён қилинди. Мажлисда Қашқадарь виллояти Мудо- фаага қўмақлашиш жамияти кенгашига қарашли ташкилотларни ҳар томонлама текшириш аяқуларни ҳам кўриб чиқилди. Мудоқама қилинган масалалар юзаси- дан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Камолот» жамғармаси Қашқадарь виллоят бўлими, киноакционерлик бирлаш- маси ва «Маънавият ва маърифат» мар- кази бўлими биргаликда Қаршида ўтказган тадбир гйбҳвандлик ҳамда бангифуруш- кака қарши кураш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, мавзуга бағишланди. Унда 600 дан зиёд ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Мар- казий банки 1997 йил 1 июлдан бошлаб ҳисоб ва божиноа тўловлари учун 1 АКШ доллари- нинг сўмага нисбатан қийматини 62 сўм 63 тийин миқдориди белгила- ди.



# ҚҶҲҲ ЗАРАҒШОН ВОДИЙСИДА ЎЗГАРҲҲҲҲ

## МАДАНИЯТ ИЗЛАРИ

**Азим Бухоронинг 2500 йиллиги нишонланадиган кунларга ҳам оз қолди. Таниқли тарихшунос олим, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси Абдулахад Муҳаммаджонов табаррук айём арафасида Бухоро тарихига бағишланган китобини ёзиб тугатди. Қуйида мазкур асардан парчани эътиборингизга ҳавола этаёмиз.**

Асримизнинг 50-60 йиллари давомида Зарафшон водийсида, хусусан, унинг қуйи қисмида кенг қўламда ўтказилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, бу ўлка ва уни тўрт томондан ўраб турган даштликнинг табиий - географик шариоити қадим замонлардан бошлабқиб ибтидоий одам тўдаларининг яшашини учун жуда қулай бўлган. Топилиб текширилган тош асри ёдгорликлари, қайд этилган сон-саноксиз тош қуроллардан иборат топилмаларнинг географияси шунини кўрсатадики, ўта узок ўтмишда одамлар асосан тоғ ёнбағирлари, сой жарликларининг ёқалари ҳамда тоғ этакларида ер қобининг тектоник ёриқларидан қайнаб чиққан булоқлар атрофида яшаганлар. Чунки бундай жойларнинг табиати, хусусан, ҳайвонот дунёси ниҳоятда бой бўлиб, овчилик учун қулай ҳисобланган. Қазиб ўрганилган ўрта палеолит (ўрта тош асри ҳисобланган милоддан аввалги 150-40 минг йиллик) ёдгорликларининг маданий излари қўпроқ Бухоро воҳасининг Шарқий томонида Қоратог ва Зарафшон тизмаларининг этакларида топилган, ўрганилган. Водий бўйлаб қайд этилган Омонқўтан, Гурдара, Самарқанд, Қўтирбулоқ, Зирабулоқ, Учтут, Воуш, Ижонд ва бошқа ўрта палеолит даврининг маконлари бунинг ёрқин далилидир.

### КАТТАТУЗКОННИНГ НЕОЛИТ ДАВРИ ОВЧИ ВА БАЛИҚЧИЛАРИ. ДАРВОЗАҚИРЛИКЛАР ЧАЙЛАСИ

Маълумки, 50-60 йилларда Я.Фуломов раҳбарлигида махсус археологик экспедицияси қачонлардир қадим замонларда Зарафшон сувларини Амударёга элитган Моҳондарё, Гужайли ва Гурдушларнинг қуриб қолган қадимги ўзанлари бўйлаб кенг қўламда археологик тадқиқотлар ўтказди. Уша йилларда топиб текширилган қатор археологик ёдгорликлар тўғрисида қўпроқ маълум бўлиб Зарафшон сувларининг ҳайкириб Амударёга томон оққан, сўнгра аста-секин сусайиб оқишдан тўхтаб қолган ва ниҳоят, сувсизликдан улар қуриб қолган даврлари аниқланди. Шу билан бирга, бу қўҳна ўзанлар ҳавзасига милоддан аввалги V-III минг йилликларда овчи ва балиқчи қабила-лар келиб ўрнашгани ва улар яратган ўзига хос маданият излари топиб, ўрганилди.

1960-1963 йиллар давомида Гужайли бўйлаб Кичиктузкон атрофида, Каттаузкон, Моҳондарё бўйлаб Лўхли қўл ва Эчкиқирон атрофида ҳамда Пойканднинг жанубида Қашқадарёнинг қадимги қуруқ ўзани бўйлаб II жойда неолит даврига мансуб ёдгорликларни топиб текширилди.

Қайд этилган ва қазилар олиб борилган қатор ёдгорликларнинг жойлашган ўринлари ва улардан топилган турли хилдаги ашёвий топилмаларга қараганда, ҳозирги Қоракўл туманидаги Саёт қишлоғи ёрлари / "Тошкент" ва "Пайкент" қишлоқ жомоалари пайкаллари/ ҳамда Замонбободан Шимоли-ғарб ва Ғарбда Амударёга туташиб кетган Гужайли ва Моҳондарё ҳавзалари / бу кенг майдон шарқда. Замонбобо, Кичиктузкон ва Каттаузкон, Шимолда - Газов, Одиқудуқ, Учбош, Қурбонбой, Раҳматбобо ва Эчкиқирон, жанубда Каптарникуми, ғарбда - Окрабод, Нарғизқалъа ва Хатар деган жойлар билан чегараланади./ Милоддан аввалги V-III минг йилликларда Зарафшон водийси қуйи оқимидаги энг хушманзара ва гавжум жойлардан бўлган. Ҳозирги кунда сувсиз қуруқ ўзанлар гирди пўрсилдоқ оппоқ туз боғсан шўрликлар ҳамда оғир қумлик ва текис тақирликлар билан қопланган дашт манзарасидан мутлоқ фарқ қилган бу қадимги воҳа ўша замонларда ниҳоятда серсув бўлиб, табиат дунёси ҳам жуда бой бўлган. Воҳа ва унинг теварак-атрофи қалин бутазор, чангалзор, жийдазор, лўх-қўғай ва тўқайзорлар билан ҳамда уларга туташиб кетган поёнсиз даштлик ва қумликлардан иборат яйловлар бўлган. Моҳондарё ва Гужайли тошқинларидан ҳосил бўлган қўл ва ботқоқликлар ва қалин чангалзорлар турли хил жониворларга сероб бўлган. Дарёвот ва қўл ёқаларидаги сувлотлар теварак-атрофи турли зот ёввойи ҳайвон под-алари тўпланиб, сувлайдиган овлоқ ёрлардан иборат бўлган.

Ҳозирги замонда оғир барханли қумликлар билан қопланган бу қадимги ўлканнинг табиий шариоити қулай бўлганлиги сабабли бундан 6-7 минг йил муқаддам бу ёрларда Бухоро ва Қоракўлнинг энг қадимий аҳолиси яшаган. Бу аҳоли на ҳақиқат, на дехқончилик касб этишини билмай, фақат овчилик ва балиқчилик билан кун кечирган. Бухоро-Қоракўлнинг бу қадимги овчи-балиқчилари Чоқалзорлардан устун, сарров, тўсин ва синчбон дарахтлар қирқиб, тўқайзорлардан қамишлар ўриб, дарё бўйлари ва қўл соҳилларида улкан чайлалар бино қилганлар ва уларда катта патриархал оила бўлиб яшаганлар. Бундай чайлаларнинг қолдиқлари У.Исломов томонидан 1961-1963 йилларда Қоракўл тумани марказидан 40 км шимоли-ғарбда Каттаузконнинг шимолий соҳилида Дарвозақир деган жойда топиб текширилди.

Қуйи Зарафшонда қайд этилган 40 дан ортиқ неолит ёдгорликларидан фақат иккисидagina маданий қатламлар сақланиб қолган, халос. Бошқаларида қатламлар шомол эрозияси оқибатида нураб битган. Дарвозақир I ва Дарвозақир II ёдгорликларида олиб борилган қазилардан маълум бўлишича, маданий қатламлар тоза қўчма қўм қаватлари билан алоҳида-алоҳида ажралиб турган тўрт лойқа ётқиқлар устида ҳосил бўлган. Ҳар бир қатламни синчиқлаб ўрганиш билан авваллабор, Гужайли оқимининг қадимги ҳолати ва Каттаузкон қўлидаги сув сатҳида содир бўлган ўзга-ришлар, қолаверса, бу сув манбаи билан чамбарчас боғлиқ бўлган қадимий овчи, балиқчиларнинг ҳаёти ва улар яратган ўзига хос ибтидоий маданиятнинг қўл томонлари аниқлаб олинди.

Каттаузкон соҳилида тақир устида ҳосил бўлган Дарвозақир-I маконининг учта маданий қатламлари уч қават тоза ва зич қўм қатламлари билан қопланган. Қатламларнинг бундай ҳолати, шубҳасиз, неолит даврида Каттаузконда сув сатҳи бир хилда бўлмай, балки у

доммо ўзгариб турганидан далолат беради. Фикримизча, ҳар бир маданий қатлам устидаги тоза қўм қатлами Каттаузконнинг суви батамом қуриб, ёки ниҳоятда пасайиб кетиши оқибатида балиқчилар ўз маконларидан қўчиб кетган вақтларида шомол учириб келтирилган қўчма қўмлардан ҳосил бўлган. Қўм қаватлари билан алмашиб турган маданий қатламларга қараб ҳукм чиқарганда, неолит даврида дарвозақирликлар ўз маконларини уч марта ташлаб кетганлар, сўнгра яна ўз жойларига қайтганлар.

Дарвозақир-I маконида қазилмалар олиб борилган вақтда унинг саҳнидан тўғри бурчакли тўртбурчак шаклидаги чайла ўрни қаватда очилди. Чайланнинг катталиги 7x11,6м, саҳни 81м/2 тенг. Синчқори бу иморатнинг гирдини белгилаб, тарихини аниқлашда тақир бетиде сақланиб қолган устун ва синчлар учун ўйилган чуқурчалар жуда қўл келди. Чайла саҳнининг марказида икки ва тўрт бурчаклида эса тўртта устунлар ўрнатилган каттароқ чуқурчалар, гирди бўйлаб синчлар учун қавланган кичикроқ чуқурчалар тақир устида жуда яхши сақланган. Чуқурчалар ўрнининг мутаносиб-лиги чайланнинг олти устунга тўртбурчак ва томи тўрт томонга нишаб қилиб ёпилганини белгилаб берди. Чайланнинг эшиги шарқ томонда бўлиб, у қўл томонга қараган.

Чайла ташқарисида гирди ёнғиндан бирмунча қизариб, бир нечта ўчоқ ўринлари қўм остида қолиб кетган. Учоқлар атрофида ҳамда чайла ичида оқ, сарғишмимир - оқ ҳамда қизғиш-қўнғир рангли чакмоқ тошлардан ясалган қуроллар, сопол идишлар бўлақлари, ов қилиб истеъмол этилган балиқ, парранда ва турли хил ёввойи ҳайвон суяк-лари сочилиб ётарди. Тош қуроллар орасида ўқ-ёй пайконлари, камон ўқлари ва ўроқ дасталари ясашда ишлатиладиган ўроқрандалар, ҳайвон терисини ишлаш, ошлаш ва улардан кийимбош, ёпинчик, тўшак ҳамда чориклар тикишда кенг фойдаланиладиган пичоқсимон кесгичлар, турли хил қирғичлар, тешгич ва сўзанлар, синган сопол идишларни чегалашда, мунчоқ ва маржонларни тешишда ишлатиладиган пармачалар, қошо /нефрит/ тошидан ясалган пона ва болтачалар, ҳамда ўроқ тишларининг қадамалари, қўлдан-қўл майда тош учиринди ва бўлақчалари бор эди. Ҳар бир тош қуроли қандай асбоб сифатида ишлатилганини аниқлаш учун У.Исломов томонидан минглаб топилмалар икки кўзли бинокуляр-ли микроскоп остига қўйилиб, уларнинг тигларида билинар-билиммас сақланиб қолган иш жараёнининг излари синчиқлаб тадқиқ этилди.

Топилмалар орасида сопол идиш бўлақлари ниҳоятда кўп бўлиб, аксариятининг сиртига ботирма чизикли нақшлар тортилган. Нақшлар ҳам ўзига хос ва анча-мунча бой. Улар горизонтал, тик, диагонал тортилган тўлқинзор ва қўш чизикли, уч-бурчак, ромба, трапеция, бошқосимон, тарақсимон ва кўпгина бошқа хил шакллардан иборат. Сопол идишларнинг тўби тухумсимон ёки думалоқ шаклда ишланган. Улар махсус чуқурчага ёки қумлик устига ўрнатиш, шунингдек, қозىқ ёки чайла устун-ларига осиб қўйишга мўлжалланган. Сопол идишлар 3-4 литр ҳажмда суюқлик элитадиган хўқача, хурмача, қозон ва товоқлардан иборат. Уларда шубҳасиз, овланган балиқ, парранда ёки турли хил ёввойи ҳайвонлар гўшларидан шўрва қайнатилиб, истеъмол қилинган эҳтимолдан узоқ эмас, албатта. Қизиғи шундаки, Каттаузкон атрофида ҳамда Дарвозақирда топиб ўрганилган сопол идишлар ва уларнинг сернақш бўлақлари Зарафшон водийсида касб этилган илк қўлчиликнинг маҳсули ҳисобланади. Чунки неолит давригача бу ўлкада ҳали сополсоз-лик қашқ этилмаган эди.

Археологик топилмаларнинг таҳлили шунини кўрсатадики, неолит даврида Каттаузкон соҳилида Дарвозақир I-II макон-ларида истиқомат қилган қадимги аҳолининг иқтисодий ҳаётида овчилик, хусусан, балиқ овчи хўжалик юритишининг асосий манбаи бўлган. Бу хўжалик билан бевосита боғлиқ бўлган микролит тош қуроллар ясаш техно-логияси юқори даражада бўлиб, ҳатто улар тошини пармалаш, хирпалаб тиг чиқариш, микролит қадамаларни дасталарга ўтказиб, ўроқ, пичоқ, арра каби махсус қуроллар ясаш техникасини мўкаммаб билганлар.

Хуллас, Қуйи Зарафшон ва Қашқадарё этакларида Дарвозақир I-II, Катта-Кичиктуз-конлар, Эчкиқирон, Каптарникуми, Қоронғишўр, Қизилқир, Пойканд, Қумсултон ва бошқа кўпгина ёдгорликлардан топилган ашёвий қолдиқларни чуқур ўрганиш; Қорақалпоғистон, Қозоғистон, Уралбўйи ва бошқа жойлардан топиб тадқиқ этилган неолит даври ёдгорликлари топилмалари билан қиёслаш натижасида шу нарса маълум бўлдики, Каттаузкон соҳилларида яшаган қадимги овчи-балиқчи аҳолидан сақланиб қолган моддий, маданият излари қадимги Хоразм тўғрисида, Амударё этакларида С.П.Толстов томонидан кашф этилиб, ўрганилган машҳур "Калтаминорликлар маданияти"га мансуб бўлиб, улар милод-жа аввалги IV-III минг йилликлар билан саналади.



Маънавият - инсоният яралганидан буюн бу сўзни билиб-билмай, сезиб-сезмай ишлатади. Унга амал қилади, мағзини қақайди... ва ҳар галликде унинг тўб моҳиятига, аслиятига ета олмайди. Боиски, маънавият яратганнинг бир мўжизаси. Шундан-да, англаб етмоқ душворроқ.

Кўз тегмасин бугуннинг бойлари, ўзига тўқлари хайру садақа, эҳсонлар беришни унутмаслигини. Аммо баъзилари учрапти, берган эҳсонни ҳамма-

## УЧУҚУЧУМАС ҚУЧ


сўзларни 130 йиллик зулм ҳам ўчирилмади. Учирсада, қонидан қўчирилмади. Тошкент вилояти "Маънавият ва маърифат" маркази Охангарон шаҳрида "Маънавият ва маърифат" кўчилини ўтказди. Унда халқимизнинг сеvimли шоиралари Турсуной Содиқова, Шарифа Салимова, Зульфия Муминовалар иштирок этишди.

### Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, вилоят "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари:

Охангарон туманида ўтказаетган "Маънавият ва маърифат" кўнимиз ишимизнинг дебчаси. Маънавиятни ўргатиб бўлмайди, аммо онга сингдириш мумкин. Бу учрашувда иштирок этганларнинг кўпчилигини оналар ташкил этди. Уйлайманки, бўлиб ўтган баҳс-мунозаралардан аёлларимиз хулоса чиқариб, болалари тарбиясига каттароқ эътибор қаратишади. Эртаминг по-бонлари ҳам, сарбонлари ҳам шу оналар қўлида. Ҳар томонлама етук, билимли оналардан ҳеч қачон ёмон болалар туғилмайди.

Турсуной СОДИҚОВА, шоира: - Маънавият - бир катта чаманзор, ундаги чечакнинг ўзи бир олам. Яхши-

Лайло, "ТУРКИСТОН" мухбири



Бухоро заминидagi қўҳна Арк асрлар оша ҳамон аждодларимиз заковатидан сўйлайди

## ЎТМИШ ЗАРВАРАҚЛАРИ

Қадим ва навқирон Бухоронинг 2500 йиллиги республикамизнинг барча жойларида кенг нишонланмоқда. Йигирма беш асрлик Бухоро тарихи, маданияти, илм-фани, адабиёти ва санъати ўтмишининг зарваракларидир. Шу кунларда қадимшунос олимлар, мумтоз адабиёт билан шўғулланувчи алломаларнинг бу борада олиб бораетган ишлари таҳсинга сазовордир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлсозлар институтида бўлиб ўтган илмий анжуман ҳам ана шу йўлдаги сай-ҳаракатлардан бири бўлди. Мазкур анжумани Қўлсозлар ин-ститутининг директорининг ил-

бий ишлар бўйича ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор Насим Раҳмон кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Қўлсозлар институтининг директори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги А. Каюмов "Бухоролик олимпиада Бухорога - Қиз биби ҳижоиси ва унинг қўлсозлари", филология фанлари доктори Х. Дадабоев "Бухоро хонлигида ҳокимият бошқаруви", тарих фанлари доктори М.Исҳоқов "Сўдг аъзауининг Бухоро маҳаллий варианты ҳақида", филология фанлари доктори Х. Исломий "Исломий Бухорий "Жомъе ас-Саҳих" асарининг Шарқий Туркистонда ўрганилиши", филология фанлари доктори М. Ҳамидова ва аспирант З.Шер-

боевалар "Ҳиромий ва унинг "Муқаммасоти де-вон" қўлсозлари", К.Шо-ниёзов "Бухоро халқининг араб истилосига қарши кураши" мавзусида илмий жиҳатдан бақувват ва қизиқарли маърузалар қилишди.

Музокараларда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академикалари А. Аскар, А. Каюмов, фалсафа фанлари доктори, профессор Т. Тошланов, филология фанлари доктори, профессор Насим Раҳмон маърузаларнинг қиммати баланд эканлигини ва келгусида янги илмий йўналишларга имкон беришини алоҳида таъкидлади.

Темир ҚУРБОН

## КЎЗ ҚУВНАБ, ДИЛ АЙРАЙДИ

Абдуолим акани Арнасойда танимай-диган одам қамдан-кам, десак муболага қилмаймиш. Кўп йиллар "Олтин водий" ширкат уюшмасида раҳбар лавозимларида ишлаб келган бу киши ҳар йили зиммасига олган топшириқларни ўрин-латиб келган. Унда кейинчалик фермер хўжалиги очилди истаги пайдо бўлди. Мақсадини амалга ошириш учун елиб-югурди. Ниҳоят, "Миришкор" дехқон фермер хўжалиги очилди муваффақ бўлди. 85 гектар майдонда пахта етиштиретган фермер ўтган йилларда дуррустинга натижаларни қўлга киритди. Бу йилги режа эса янада улкан. Ҳар гектар майдондан 23 центнердан пахта етиштириш учун бор имконият ва тажриба ишга солинмоқда. Мавжуд майдон шу кунгача беш марта қопикдан чиқарилиб, уч марта озиклантирилди. Айни кунларда эса саратон сувига қондирилмоқда. Дехқонлар буни қилла суви -- тилла суви, деб беҳиж айтишмайди. Чунки қилла суви қонган гўза тилладек оғир ва баракали бўлади.

Мабодо Абдуолим аканининг даласига торик қолгудек бўлсангиз, тўқилганини бўриб пахтазорни қуриб, қўзингиз қувнайдис. Ҳар тўт гўзада уч тўрт тўқ қўсак санайсиз. Бейхитёр миришкорларнинг меҳнатини қуриб: "Э, отанга балли, дехқон" дегингиз келади. Бундай натижа ўз-ўзидан бўлган эмас. Н.Мамараҳимов, Е.Боймуродов,

М.Бегматов, Р.Язедов, А.Абдуфаттоев сингари ишчиларнинг меҳнатлари самарасидир.

-- Ерни ҳақиқий ишлайдиган кишиларга бериш керак, - дейди биз билан суҳбат чоғида А.Мамараҳимов. -- Мана, биз - фермерларга ер беришди, бу яхши албатта. Шундангина ернинг умри бекор кетмайди, талон-тароқ бўлишига йўл қўйилмайди. Ердан, сувдан, ўғитдан тўғри фойдаланилади. Мен бунини кўп йиллик тажрибамга суяниб айтаялман.

Мен барча ерларни ҳақиқий ишлайдиган кишиларга бўлиб бериш тарафдориман. Бизда шахсий қилиб берилмаган ерлар ҳали жуда кўп. Яна бир гап. Ҳозирги биз экаетган "Ан-Бобўт-2" нави биз фермерларга унча маъқул эмас. Фермерларга 33 фоиз эмас, 35-36 фоиз тола берадиган ҳам керак. Қанча кўп тола олсак, шунча кўп фойда қўрамиз. Фермерга топшириқ бермаслик, режа тайинланмаслик лозим. Бизда ҳалигача топшириқ ва кўрсатмалар бўлаяпти, режа белгилаб берилган.

Абдуолим акани билан бўлган суҳбатимиз анчага қўзилди. Кўпчилик дилидагини айтаетган бу кишига қараб орзуингиз рўбга чиксин, дея тилак билдирдим.

Э.Ўроқов, Жиззах вилояти, Арнасой тумани



